



FLORIONIM AND THEIR ARRIVALS IN PORTABLE

MEANINGS

COMMENTS ON TERMS

Nurmuratova Khilola Yashinovna

**Department of theory of aspects of the English language №1 Teacher
of the Faculty of English language 1**

ANNOTATION

This article provides an overview of the meaning of a word, its semantic structure, as well as its basic meanings that represent certain concepts, and its subtle meanings that represent other facets of a word, its portable meanings, and the use of Florionim in a portable sense.

В данной статье показана общая информация о значении слова, его семантические составляющие, также противоположное значение, его переносное значение и использование флорионимов в переносном значении.

This article gives information about the meaning of the word and its semantic structure as well as essential meaning expressing specific notions and using florionyms in the context.

Сўзлар шакл ва мазмун йиғиндисидан иборат бўлиб, улар тушунчани ифодалайдилар. Сўзларнинг маънолари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу масала юзасидан олимлар умумий фикрга эга эмаслар, баъзилари маъно-нарсга ва тушунча ўртасидаги муносабат десалар (Ф. де Соссюр), бошқалари маъно-бу сўз қўлланилган вазиятдир, деб билдилар.(Блумфильд)Рус тилшунослари лексик маъно деб маълум





бир тил тизими ёрдамида тушунчаларининг ифодаланишини тушунадилар. (И.В.Арнольд).

Сўз маъноси ўрганилар экан, сўзни семантик тузилиши деган тушунчага дуч келамиз. Сўзнинг семантик структураси ёки тузилиши маълум бир тушунчани ифодаловчи асосий маънодан ҳамда, тушунчаларнинг бошқа қирраларини ифодаловчи нозик маънолардан, кўшимча ёки кўчма маънолар ва улардан ташқари коннотатив (устама) маънолардан экспрессивликни ифода этувчи маънолар ташкил топади.

Сўз кўп маъноли полисемантик бўлиши маълум. Унинг маънолари куйидагича бўлади: 1) асосий-мантикий маъно; 2) кўшимча маъно; 3) номланган маъно ёки атама маъно. Ҳар бир лексик маъно турларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Сўзнинг асосий мантикий маъноси — бу нарса ёки ходиса ҳақидаги умумий тушунчанинг ифодаланишидир. Яъни ушбу нарсанинг бир белгиси тарихий шарт-шароитда ривожлана бориб мазмунан бутун тушунчанинг намоёндаси бўлиб қолган. Тилшуносликка оид адабиётларда маънонинг бу тури тўғри, асосий ва номинатив, денотатив ёки референциал маъно деб аталади.

Маълумки, сўзлар ривожланиш жараёнида кўшимча, ясама маъно ортириши мумкин. У ёки бу маънонинг юзага келишида асос бўладиган маъно - асосий маъно, уни таъсирида (асосида) ҳосил бўлган маъно кўшимча ҳосила маънодир. Асосий ва ҳосила маънолар йиғиндиси сўзларнинг маъновий тизимини ташкил этади. Асосий-логик маънолар эркин ва боғлиқ маъноларга ажралади. Кўпгина сўзлар матнда, яъни контекстда маъно тузилишига яқин бўлмаган маъноларни ифодалаб келади. Ушбу маънолар кўчма хусусиятга эга бўлиб, улар фақат маълум матнгагина таалуклидир. Бундай маънолар матний (контекстуал) маънолар





деб аталади. Кўпгина матний маънолар кенг тарқалмайди, фақатгина шу матннинг ўзига хос бўлади.

Матний маънолар сўзнинг семантик тузилишига крмайди ва фақатгина матндагина мавжуд бўлади.

Эмоционал маъно ҳар қандай бошқа маъно сингари сўзда тушунчаларни ифодалашдан ташқари ҳис-туйғу ва сезгиларни ҳам ифодалайди. Эмоционал маънолар сўзда асосий мантиқий маъно билан бирга келиши мумкин. У ўзи якка ҳолда ёки матнда учраши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, (ҳосила) маъно ва лексик маъно, яъни луғавий ва матний маъноларнинг ўзаро муносабатидан пайдо бўлади. Баъзан булар орасидаги фарқ жуда катта бўлади ва бундай ҳосила маъноларнинг қўлланишидан кутилмаган ходиса пайдо бўлади. Бу ҳолда биз стилистик усул пайдо бўлганлигини сезамиз.

Кўчма маънода ифодаланувчи сўз ва бирикмаларнинг характерли томонлари шундаки, улар бирор бир нарса ёки фикрни тўғридан-тўғри эмас, балки бошқа бир тил воситалари орқали ифодалайди. Бунда ўша кўчма маънода таърифланаётган предметнинг ёки маънонинг айнан уни ифодалаётган сўз ёки ибора билан ўхшашлик, ёки бўлмаса яқин томонлари эътиборга олинади. Флорионимларнинг кўчма маънода қўлланилишининг семантик функцияси, яъни сўзнинг семантик ривожланишининг турларидан бири сифатида қабул қилинади. Флорионимларнинг кўчма маънода қўлланилишининг асосий сабабларидан бири, биринчидан, қиёсланиш учун асос бўлган сўзларнинг мавжудлиги бўлса, иккинчидан қиёслаш учун танлаб олинган асос сўзнинг белгилик даражаси; учинчидан эса кўчма маънода ифодаланишлари фаолиятининг маҳсулини англаниб олиниши каби





сабабларини олиш мумкин. Бундай кўчма маънода ифодаланувчи ўсимликлар номи келтирилган лексик бирикмаларни «флорионимлар» деб аташ мумкин. Қуйидаги ишимизда ҳам инсонни характерловчи, уни ифодаловчи атамалар «флорионимлар» деб олинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, айнан шу флорионимларнинг ишлатилиши жараёнида тилнинг моҳияти ва нутқ функцияларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун метафора, метонимия ва таққослаш каби лингвистик усулларга мурожаат қиламиз, зотан айнан шу усуллар орқали флорионимларнинг кўчма маънода ифодаланиши кўриб чиқилади. Шу маънода юқорида келтирилган лингвистик, яъни стилистик воситаларга таъриф бериб ўтсак. Таъкидлаб ўтилганидек, стилистик мақсадда қўлланиладиган маъноларнинг орасидаги ўзаро муносабатни қуйидаги ҳолларга бўлиш мумкин.

1) сўзлар ўртасидаги ўхшашликларга асосланган муносабатга кўра (метафора, яъни истиора);

2) тушунчалар ўртасидаги яқинликка, бир-бирига алоқадорликка асосланган муносабатга кўра (метонимия);

3) сўзларнинг тўғри ва тескари (зид) маъносига асосланган муносабат (киноя).

Шу ўринда шуни айтиш керакки, услубий таққослаш масалалари тил ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай энг кам ўрганилган соҳадир. Профессор Ж. Бўроновнинг фикрича, тилни қиёсий типологик томондан ўрганишда энг аввало услубий жиҳатдан бетараф ва услубий асосланган тил бирикмаларни ўрганиб чиқиш





зарурдир.¹ Масалан, флорионим “calabash” ва “ковок” инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги дифференциал семаларга яъни: 1) ўсимлик; 2) ковок қалла; 3) аҳмоқ каби маъноларга эга бўлиб, бу флорионимларни инсонларга нисбатан ишлатиш мумкин. Шунини айтиш жоизки, шу йўл билан бир тушунча турли хил синфга тегишли предметларни бирлаштиради ва ўша предметни бир синфдан бошқа синфга ягона бир маънога ўтказиб, айнан ўша предметни ифодаловчи ва аниқлаб берувчи тушунчага ёки маънога эга бўламиз. Шунини айтиш керакки, бу тушунчаларни турли хил предметларни ифодалашда ишлатамиз, (бу ерда оддий инсонга нисбатан), уларнинг маъноларини сақлаб қолади, яъни масалан, инсонга нисбатан «green» сўзи ишлатилса: соғлом; гуллаган; навқирон ёшда; кучга тўла маъноларидан бири кўчма маънода қўлланилса ҳам, ўша тушунчанинг асл маъноси ҳам сақланиб қолинади, яъни бу ерда инсоннинг бирор бир характер томони шу тушунчанинг бирор функциясига боғлиқ бўлади ва айнан шу боғлиқлик предметларнинг таққослаб қиёслашда катта эътиборга эгадир. Инсонни «green» сўзи билан таърифлар эканмиз, бунда ўша сўзларнинг барча функция маъноларига урғу берамиз, яъни бунда қиёсланаётган икки предметнинг характерли томонлари ёки функциялари қисман бир-бирига мос келиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, Е.Р. Куриловичнинг фикрига кўра «green» сўзининг таркибидаги семаларнинг I, II, III маънолари турли хил

1. ¹ Бурунов Дж.Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Москва. Высшая школа, 1983г., стр. 154.

2.
3.





семантик гуруҳларга тегишлидир ва уларнинг ишлатилиши лингвистик усулларнинг қўлланилиши ва функциясига боғлиқ.²

Кўпгина инсонлар учун метафора - бу шеърий ва риторик ифода воситаларидан биридир ва кўпинча уни кундалик мулоқот доирасига кўра, тилдан ташқарида бўлган восита сифатида қарашади. Бундан ташқари, метафорага табиий тилнинг бўлаги деб қаралади, яъни сўзларга тегишли бўлаги сифатида, лекин уни фикрлаш фаолияти сифатида эътироф этишмайди. Айнан шунинг учун ҳам кўпгина одамлар ҳаётларини метафорасиз ўтказа оламиз деб ўйлашади. Лекин бу фикрга қарши ўлароқ, Джонс Жакоф ва М. Жонсоннинг таъкидлашларича метафора бутун ҳаётимиз бўйлаб, биз билан бирга ва нафақат тилимизда, балки тафаккуримизда ва фаолиятимизда намоён бўлади.³

Қуйидаги мисол асосида метафора ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиламиз: «She is a flower» (У гулдир). Бу ерда икки хил, яъни «she» - аёл ва уни таърифловчи «гул» сўзларига асосий урғу берилади. Шу нарса аниқки, агар ўқувчи умуман «гул» ҳақида маълумотга эга бўлмаса ҳам, гапнинг асосий мазмуни унга аниқ бўлиши мумкин. Бу гапдаги метафоранинг ишлатилиш эффекти шундаки, агар аёл киши гулга қиёсланса, унда у гулдек нозик табиат, гўзал, мафтункор бўлади.

Шу уринда, бу метафорик ибораларнинг ишлатилиши натижасида рўй бераётган маъно кўчиши ҳақида гапирмай ўтолмаймиз. «Гул» нозик, гўзал ва инсонга хузур баҳшида айлайдиган ўсимлик ҳисобланар экан,

4. ² Курилович Е.Р. Понятие изоморфизма. В кн.: Очерки по лингвистике. Москва. 1962 г, стр. 101-115.

³ Jakoff, J, Johnson. M. Metaphors we live by Chicago. University by Chicago press. 1980.





аёлни гул деб атар эканмиз, унинг айнан ўша юқорида келтирилган хислатларини таърифлаймиз ва албатта, бу бизнинг онгимизда ижобий характер тушунчасини намоён қилади.

Метафорани қўлланилишининг характерли томонларини таҳлил қилиш мобайнида, метонимия ва таққослаш ўртасидаги алоқани кўриб чиқишни жоиз деб топдик.

Метонимия ҳам тасвирийликни, образлиликни ифода этадиган лингвистик восита сифатида қаралиши мумкин. Агар метафора иккита тушунчанинг ўхшашлик томонларини олиб, уларни ифодаласа, метонимия ана шу маъноларнинг бир тушунчадан иккинчи тушунчага реал алоқаларини эътиборга олган ҳолда ўтишини таъминлайди. Бунда бирор бир сўзнинг олдинги асл маъноси ва янги ифода қилинган маъносини бир-бирига яқинлиги асос қилиб олинади. Шунинг учун метафора биринчи навбатда маъноларнинг кўчиши ходисаси бўлса, метонимияга референциянинг кўчиши сифатида қаралади. Метонимия бу предмет ва ходисанинг маъноси кўчиши боғлиқлигининг натижасидир.

